



Таштас

ТЕЛБА БЎЛИБ ҚОЛДИМИ ДУНЁ?

«Поста»нинг 1991 йил 5 сентябрь сониди Ойгул Убайдулла қизининг «Боламни қайтариб беринг!» номли мақоласини ўқияману томоғимга нимадир тиқилиб қолаётгандек нафасим сиқмоқда. Уша «нимадир»ни на ютиб юбораман, на чиқариб ташлайман. Вужудим ҳам кучсизланиб бормоқда. Кўз олдимда бир қўли билан пулни маҳкам чангаллаб турган ОНА! У сотяптими ёки пулларни қайтариб бермоқчимми, ҳеч англаёлмайман. Кўз ўнгим хиралашиб кетаверади. Қўлларим титрайди, қўлларимга қўшилишиб, қалам титромоқда. Ичичимдан титроқ тошиб кела бошлади. Ва бу титроқлар бирлашиб қоғозга тўкилди:

Телба бўлиб қолдимми дунё,
Е яқиним рўзи қиёмат!
Ҳар қадамда эс-хушдан жудо —

Одам юрар.
Чулғайди ваҳшат:
Кимдир кўзин ўйиб сотмоқда,
Яна кимдир жигарин тутар.
Гулдек аёл пул деб шу чоғда

Мункиллаган жазманин кутар!..

Телба бўлиб қолдимми дунё!
Ҳатто МЕҲР нархи чакана,
Бир бурчакда ночор, бенаво
Гўдагини пуллайдми ОНА!
Ҳайҳот, бу не кўргилик,
озор.

Нечун кетмас ёрилиб За-
мин!
Ох, нима бу —
ҲАЕТМИ, БОЗОРИ
Сотилмаган не қолди та-
гин!

Мен ўз дилбандини 200 сўм эвазига сотиб юборган бу нотавон Аёлни заррача ҳам айблаб олмайман. Бола шўрликни оч-наҳор, юпун ҳолда азобга қўйгандан кўра бирор ўзига туқ одамга берган ҳам маъқул. Аммо ФАРЗАД ўйинчоқ эмаски, дуч келган кимсага қўш-қўллаб тутқазилса! Мен бу ночор аёлдан ранжиганам — фақат у шўрлик хасталикдан жигаргўшасини кимга топшираётганлигини сўраб-сўриштирмаган. 200 сўми Ҳозирги кунда бунга пул деб аташга ййманайди одам. Яқинда жумҳурият болалар фондидан ҳали ййигрмага тўлмаган ёш аёлни икки ярим ёшли ўғилчаси билан олиб келишди. Бу аёл ҳам

(15 ёшида турмушга чиққан экан) жуда қийналган эди. Углини вақтинчалик болалар уйига топширдик. Онасига эса даволаниб олиши учун кўмаклашдик. Шунда оназор — ёшгина аёл минг истиҳола билан моддий ёрдам ҳақида сўз очди. Мен дарҳол болалар фонди билан боғландим. Жумҳурият ва вилоят болалар фондларидан биргаликда 100 сўм пул, зарур бўлса, болага кийим-кечак беришлари мумкинлигини айтишди. Бу воқеани эсга олишимга сабаб, ўша аёл ҳамон қийналмоқда. Чунки шаҳарда яшаш учун рўйхатдан ўта олмаяпти. Ортига — Сурхондарёга қайтиб бургани билан, барибир, ишсиз қолади.

Феруза Қаландарова эса ҳуш-беҳуш пойтахтга келган. Кўча-кўйларда тиланчилар кундан-кунга кўпайиб кетаётгани маълум. Тўғри, улар орасида дайди-пиёнистларни таниб олиш қийин эмас. Аммо бир ёки бир неча ёш-ёш болалари билан тиланиб ўтирган аёллар-чи? Баъзида: «Ёш экансан, ишласанг бўлмайдами?» — деймиз. Балки у хастадир, жисмоний меҳнатга ярамай қолгандир. Етмиш йил инсон омилди деб жар солдик. Охир-оқибатда эса Оролбўйи аҳолисининг мия шарлари кичраймоқда, туғилаётган гўдакларнинг қанча-қанчаси ногирон, ўлимга маҳкум. Оналар сутидан заҳар чиқди. Тиланчи, мажруҳлар сони соат сайин ўсди. Биз эса фақат қарору қонунлар қабул қилдик. Аёлни озод қилдик, деб кўкрак кerdик. Охир-оқибат аёллар нафақат тиланчилик қилишмоқда, балки баданини сотиб кун кўрмоқда, ҳатто тиркичилик учун ГЎДАГИНИ пуллашга мажбур!

Ушбуларни ёзаяпману ўйлаб қоламан: кунга кеча мустақиллик ҳақида Қонун қабул қилдик. Ҳа, бир неча ўнлаб йиллар давомида орзу қилган фараҳли кунга етишдик. Умид борки, шояд эндиликда юртимиз бошида тўқинчилик офтоби чарақлаб, эркинлик шабадаси қалбимизни сийпаласа. Биз ҳам яқин-яқингача орзу қилиб юрган бекаму кўст турмушга, маънавий етуқликка

оз йиллар ичида эришсак. Бир сўз билан айтганда болаларимиз кўзига тик қарай оласак, Улар нигоҳида ҳақиқий болалик туйғуларини кўрсак!

Сендан умидларим кўп ҳали Дунё,
Барчаси нур каби илқ,
Боқира.
Шу бонс ҳамон мен тиркиман,
Илло,
Қалбим, шуурим бўлмаган хира!
Аммо сира сендан ранжмас дилим,
Умидларим йиқар ҳасратни бу кун.
Мен Балки азобга...
Жангга туғилдим —
Фарзандим бахтини таъминлаш учун!..

Хулоса ўрнида эса Феруза Қаландарова қизи Саломатни топишига тилақдош эканлигини айтмоқчиман. Имкони бўлса, қизчанингни сурагини (тахминий) чиздириб, «Поста» саҳифасида чоп этилса ва барча ички ишлар бўлимларига тарқатилса.

Агар Оллоберган Вансов ва Феруза Қаландарова рози бўлсалар, ушбу мақола қалам ҳақини уларга юборилишини сўрайман. Шу билан бирга улар яшайдиган жамоа ҳўжалигидаги ўртоқлар ҳамда болалар жамғармаси Хоразм вилояти бўлими бу оилага ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берадилар, деб ишониб қоламан.

Мен Сиздан ярқирок тилло, кумушмас Оқибат сўрайман,
Меҳр тилайман.
Йўқ бу кун қоринга куймасман абас,
Мен фақат ҚАДРИМНИ айтиб ййглайман!
Ой ваъда қилмангиз кўёғўралар,
Ер учун бахт изланг, иқбол тутингиз.
Улганда мармартош қўймаг, жўралар.
Тириклик чоғида таваф этингиз.
Қалбимда тилломас, МЕҲР илқинки,
Бир илқ сўз учун жон бўлсин тортик.
Ҳашамга тупуринг, бари ўтиничи,
Ҳеч не йўқ дунёда ОДАМдан ортиқ!
Диямурод САИДОВ,
журналист.



Кунга кеча шеърий мулкнинг султони Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллиги муносабати билан жумҳурият мусаввирлар уюшмасининг кўргазмалар залида бобокалонимиз ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ўзбекистонлик мўйқалам усталари асарлари кўргазмаси очилди. Суратда: маросимдан лавҳалар. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР БЕЛЛАШМОҚДАЛАР

26 сентябрь кунга жумҳуриятимиз пойтахти — Тошкентда «Динамо» бутуниттифоқ физкультура ва спорт жамиятининг амалий ўт ўчириш спорти бўйича бутуниттифоқ чемпионати бошланди.

Чемпионат тантанали, шарқона тарзда очилди. Карнай-сурнай садолари остида саф тортган мусобақа иштирокчиларини Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирининг ўринбосари ички хизмат полковниги Эркин Норсодиқович Норгитов табриқлади ва чемпионатни очиб деб эълон қилди.

Сўзга чиққан ССЖИ амалий ўт ўчириш спорти федерациясининг президенти, бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакам, генерал-майор Владимир Михайлович Максимумчи ййилганларни муборакбод этиб, шундай деди:

— Биринчиликни ўтказиш учун айнан Тошкент шаҳрини танлаганимизнинг боиси бор, албатта. Мамлакатимизда сиёсий вазият анча оғирлашган бир пайтда Ўзбекистонда барқарорлик ҳукмрон. Бу — энг биринчи ва асосий масала. Шунингдек, турли кўринишдаги мусобақаларни, тадбирларни ўтказиш учун Тошкентда имконият етади.

Шундан сўнг ёш ўт ўчирувчилар беллашув қатнашчиларига ўзбекистон совга-саломлар тақдим этишди. Жакжи кичкинтойлар — болалар боғчалари тарбияланувчилари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Тантанали маросим якунлангач, мусобақаларнинг биринчи босқичига йўлланма берилди.

Бутуниттифоқ биринчилигида РСФСЖ, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркменистон, Молдова, Қирғизистон жумҳуриятлари, Санкт-Петербург, Москва, Тошкент шаҳри ҳамда биринчи ёшгандан сақлаш бошқармаси вакиллари иштирок этмоқдалар.

Мусобақаларни ИТА фирмасининг (Инженер-Технишер Аусенхандель) вакиллари — фирма директори Петер Зибуург ва коммерсант Петер Титце кузатиб бормоқдалар. Шу яқин кунлар ичида улар ўт ўчириш техникаларини етказиб бериш борасида шартномани имзолаш ниятидалар.

Чемпионат эртага якунланади.

Эркин САТТОРОВ,
«Поста»нинг махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118—4-моддаси 2, 4-бандларига ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳамада муҳофазат ва худудий яхлитлик тадбирларини кучайтириш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон ССР Давлат ҳавфсизлиги иттифоқ-республика комитетини тугатилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик бошқармаси тузилиб, у республика Президентига бўйсундирилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида Ўзбекистон Миллий ҳавфсизлик бошқармаси тузилиши, Низоми ва сонига доир тақлифларни тайёрласин ва тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик бошқармаси биринчи навбатда разведка, контрразведка ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланиши кераклиги белгилаб қўйилсин. Собик давлат ҳавфсизлиги комитетининг юқорида санаб ўтилган вазифалар билан боғлиқ бўлмаган ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид барча тузилма бўлимлари ва бўлимларини тугатиш кўзда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 26 сентябрь.

ЕДНОМА

ГЕНЕРАЛ ИЛЁС АЗИМОВ



Яқин-яқингача Давлат Хавфсизлик Қўмитаси (ДХҚ), у ерда ишлаган ва ишловчи одамлар ҳақида ёзиш деярли мумкин эмасди. Ҳатто ДХҚ деганда оддий кишиларнинггина эмас, балки катта-катта лавозимда ишловчиларнинг ҳам танасига титроқ тушарди. Лекин кейинги вақтларда ДХҚ фаолияти билан очикроқ танишиш, одамларни хабардор этиш имкониятлари туғилди ва бу идора қандайдир сирли ёки қўрқинчли эмаслиги сезилди. Ҳа, бир вақтлар одамларда учар ликопча қандай ғайриоддий тушунча туғдирган бўлса, ДХҚ ҳам шундай эди...

Тошйироққумдаги жой номларини белгилочи Атамалар комиссиясида ранс ўринбосари бўлиб ишлаётган вақтим. Собир Раҳимов тумани «Мевазор» маҳалласи аҳлидан «Белогородская» ва «Ахтирская» кўчаларини бирлаштириш ҳамда генерал-майор Илёс Азимов номи билан юритиш ҳақида сўровнома олдик.

Қўлимда генерал Азимов тўғрисида расмий ташкилотлар берган маълумотномалар. Қўйида улардан айрим кўчирмаларни келтираман:

«Азимов И. А. — 1920 йил 24 декабрда Тошкентда ишчи оиласида туғилди...

...1935 йил тўлиқсиз ўрта мактабни тугатди. 1936 йилда олти ойлик ўқитувчилар тайёрлаш олий илмгоҳини тамомлади...

...Давлат Хавфсизлиги Халқ Комиссарлиги (ДХҚ) идораларида ишлади. 1943 йилнинг июнидан то 1973 йилгача — 30 йил давомида оператив ишларда, шундан 28 йилни ДХҚда ўтказди, раҳбарлик лавозимларини эгаллади:

1943—47 йилларда Бухоро вилояти ДХҚ бошқармасида опервакил, бўлим бошлиғи;

1947—50 йилларда Тошкент шаҳрида, жумҳурият апаратларида;

1951—57 йилларда Бухоро вилояти ДХҚ бошқармасида бошлиқ ўринбосари, бошлиқ; 1957—60 йилларда Сурхондарё вилояти чегарачилик ДХҚ бошқармаси бошлиғи;

1960—62 йилларда Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши қошидаги ДХҚ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1962 йилдан 1968 йилгача шу бошқарма бошлиғи;

1968—73 йилларда Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши қошидаги ДХҚ раисининг биринчи ўринбосари;

1970 йил генерал-майор унвони берилган. И. Азимов кичик лейтенантдан то генерал-майорликкача бўлган катта йўлни босиб ўтган.

Шунингдек, 1958 йил Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат қилиб сайланган. 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва 14 та медал билан тақдирланган.

1973 йили соғлиги ёмонлашиб, оғир юрак хуружидан сўнг ДХҚ соҳасидаги фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Бироқ у меҳнат, илм кишиси эди. Бундай одамлар ҳеч маҳал бўш, бекор қола олмайдилар. Илёс Азимов ҳам Ўзбекистон Фанлар Академиясига ишлар бошқарувчиси (1973 йили) этиб тайинланди. 1976 йилдан эса Академиянинг умумий масалалар бўйича вице-президентлигига сайланди.

1981 йил 14 февраль куни оғир касалликдан сўнг вафот этди. Уни ўз васиятига кўра «Тешик қопқа» қабристонига дафи қилдилар.

ГЕНЕРАЛ! Бу сўз айтилганда, кўпчилик ўзбеклар кўз олдида, асосан, Собир Раҳимов сиймоси гавдаланади. Демокчманки, биз ўз генералларимизни яхши билмаймиз. Шу босдан бўлса керак, улар ҳақида жуда кам ёзамиз. Генерал Жўрабек, генерал Каримов, генерал Охунжонов, генерал Норхўжаев... Генералларимиз анчагина. Уларнинг ҳар бири халқимиз ва юртимиз олдида алоҳида хизматга эгалар. Ахир, **ГЕНЕРАЛЛИК** унвони бекорга берилмайди-ку!

Генерал Илёс Азимов. Мен ушбу мақолаи ёзишдан аввал И. Азимов истиқомат қилган «Мевазор» маҳалласига бордим. Менинг келиш сабабимни билган одамлар бир овоздан: «Эзинг, шу одамни ёзмасангиз кимни ёзасиз?!» — дедилар. Генерал Азимов ҳақида кимга савол бермай, жавоб бир хил, ижобий эди: «Раҳматли Илёс ака жуда яхши одам эдилар!» Пенсияер Абдураҳмон ака Абдуқодиров билан бўлган суҳбатдан: «Илёс аканинг ўзи бир олам эдилар. Мана шу маҳаллага жуда кўп хизматлари синган. Уни газлаштириш, канализациялаштиришда шу киши бош-қош бўлганлар. Маҳалламизнинг отахони, кўрки эди у одам. Юзингизга қараб туриб, кайфиятингизни сезар эдилар...»

Ҳа, «Ибодат — асли халққа хизмат қилиш!» — деганда ҳам Саъдий Шерозий минг бора ҳақ эди.

С. ДИЛМУРОДОВ.

СУРАТДА: генерал Илёс Азимов.



УМР ЗИЙНАТИ

ЎЗ иши билан обрў орттирганлар халқимиз орасида бисёр. Ана шундай заҳматкаш инсонлардан бири милиция майори Абдулла Аҳмадиллажонов 1965 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келади. Касбни севиш, эъзозлаш, юракдан меҳнат қилиш самарасиз кетмади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, яъни 1966 йилда у «Милиция аълочиси» деган фахрли номга эга бўлди. ССЖИ ИИБ фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Яна бир томони бор. Ен-атрофингдагиларнинг сенга берган баҳо-хизматингни қандай эканлигини ёрқин кўрсатар экан. Мен Абдулла Набиев маҳалла кўмитасининг раиси, халқимизнинг сеvimли актёри, пурҳикмат инсон Ғани ака Аъзамов билан суҳбатлашганимда, у киши Абдулла Аҳмадиллажонов ҳақида шундай дедилар:

— Абдулла сиз ва биз каби оддий фуқаро. Унинг ҳам бир одам боласида бўлгани каби ўзига яраша дарди, қувончи, ўй-кечинмалари бор. Ички ишлар ходимлари сафида ҳар бир киши ҳалол, покиза бўлиши керак. Абдуллада бу хислатлар мавжуд. Маҳалламиз тинч, осойишта. Шунинг учун ҳам аҳоли уни ҳурмат қилади. Ундан маслаҳат сўрайди. Фурсат борида айтай унга, менимча, «Хизмат кўрсатган участка инс-

пектори» унвонини бериш вақти келди.

Участка инспектори учун яна бир асосий зарса — одамлар ишончи. А. Аҳмадиллажонов эса бу синовдан муваффақиятли ўтган.

— Қабул қилинган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонун, — дейди А. Аҳмадиллажонов. — Бизга катта куч сифатида ёрдам бермоқда. Ушбу Қонунгача милициянинг фаолияти, обрўи жуда паст даражада эди. Ҳозир-чи? Албатта сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлди. Қонуьбузарликларнинг олдини олишда имкониятларимиз кенгайди. Менга бириктирилган Қорақамиш 1/1 — 1/2 ва Абдулла Набиев маҳалаларида жиноятчиликка қарши кураш яхши йўлга қўйилган. Чунки аҳоли ўрта-сида тушунтириш ишлари бетўхтов олиб борилади.

Виждонга суяниб қилинган меҳнат — умр зийнати. Собир Раҳимов тумани ИИБ ходими милиция майори Абдулла Аҳмадиллажонов покиза хизмати билан умрини зийнатлаган инсонлардан.

ДИЛМУРОД ОБЛАЕВ.

СУРАТДА: участка инспектори милиция майори А. Аҳмадиллажонов (ўнгда) маҳалла фаоллари билан.

БЎРИ ГАЛАСИ

Ҳойнаҳой, сарлавҳага назар ташлагач, чўл ёки ўрмонда тўрт оёқли йиртқичлар галасига рубару келган кишининг қизиқарли саргузашти билан танышар эканманда, деб ўйлагандирсиз.

Йўқ, ундай эмас. Бу ҳикоямиз Тошкентдай шаҳри азимда хизмат вазифасини ўтаб юрган бир кишига маст-аласт ёшлар тажовузи ҳақида. Зеро, уларнинг рўёбга чиқмаган жиноятлари бўрилар ваҳшийлигидан сира кам эмас.

Шу йил 2 сентябрь куни Бахтиёр Умаров, Рустам Исоқов, Комил Гумеров ва Комил Азилгориевлар келишилган вақтда, келишилган жойда учрашдилар. Дарров 25 сўмдан йиғишди. Икки шиша ароқ ва майда-чуйдалар харид қилишди. Кўриб-сизки, базм-жамшид қуришга ҳамма нарса тахт.

— Таклиф бор. — деди Рустам шерикларига илжайганча кўз қисиб. — Ҳозир тўппа-тўғри Чилонзор даҳасининг 19-маҳалласига борамиз. Яхши танишим бор, чин юракдан кутиб олади.

Бу таклиф бошқаларга ҳам мойдек ёқиб тушди.

— Келишдик, муаммо ҳал! — дейишди бир овоздан ва орадан кўп ўтмай ўша маҳаллада истиқомат қиладиган. Л. Тимофеева хонадонига бориб, эшикдаги кўнгирак тугмачасини босишди.

— Келинглр, болаларим, — дея чиндан ҳам Людмила Васильевна уларни очиқ чехра билан кутиб олди. — Қани, тортинмай ичкарига кирверинглр.

Йигитлар роса маза қилишди. Дастурхон тўла ноз-неъмат.

Дастлаб хонадон соҳибасининг, кейин эса ўзларининг саломатликлари учун кетма-кет қадаҳ кўтаришди. Чулдирашди, кулишди, хуллас, ийрашди. Ниҳоят, икки шиша ароқ ҳам соб бўлди. Бу пайтда улфат-

ларда одатдаги тортинчоқликдан асар ҳам қолмаганди.

— Ана энди режани пухта қилиб тузиб оладиган пайт келди, — деди Рустам шерикларига синовчан нигоҳ ташлаб. — Пул топиш керак, оғайнилар, пул! Лекин қандай қилиб?!

Бу борадаги баҳс-мунозара узоқ давом этди. Текин ва катта пулга бирварақайга эга бўлишнинг минг бир йўлини ўйлаб кўришди — тўғри келмади.

Охир-оқибатда бирор такси ҳайдовчисини тунашга қарор қилишди. Шуниси бехитроқ.

Людмила Васильевна билан қуюқ хайрлашдилар. Кўчага чиқиб, Чилонзор даҳасининг 31-маҳалласига йўл олишди. Бу ер шаҳарнинг энг чекка қисми. Йўловчиларни олиб келган таксилар кўпинча бўш қайтади.

Рустам ташаббускорликни яна қўлдан бермади.

— Бундан қиламиз, йигитлар, — деди манзилга етиб келишгач. — Агар тўрт киши бўлиб қўла кўтарсак, кеч бўлиб қолди, ҳеч қанақа ҳайдовчи машинасини тўхтатмайди. Чўчийди. Шунинг учун аввал икки киши: «25-маҳаллага!» — деб таксига ўтира-миз. Қолган икки киши эса кейин ёнимиздан жой олади, келишдикми? — Келишдик!

Бу вақтда соат миллари тунги 11ни кўрсатарди. Деярли кўчада одам учрамайди, аҳён-аҳёндагина кимдир кўриниб қолар, кўп ўтмай у ҳам кўздан ғойиб бўларди.

Қароқчиларнинг тузоғига Тошкентдаги 2-автокомбинатга қарашли 44-62 ТНБ рақамли такси ҳайдовчиси, 1938 йилда туғилган Василий Иванович Родин тушди.

Кун бўйи ишлаб, бир оз толиққан Родин икки нафар йигитни кўриб, тормоз босди.

— 25-маҳаллага ташлаб ўтинг, илтимос, — дейишди Рустам ва Бахтиёрлар.

Родин бошини лиқиллатиб, розилик бергач, орқа ўриндидан жой олишди.

Машина кўзгалиб ҳам улгурмасдан Гумеров ва Азилгориевлар югуриб келишди.

— Сизлар қаерга? — сўради ҳайдовчи.

— 25-маҳаллага!

— Яхши, ўтиринглр!

Энди машина елдек учиб борар, ҳайдовчининг бутун диққат-эйтибори йўлга қаратилган. Шу бос ҳам у ёнида ва орқасида ўтирганларнинг яширинча кўз уриштириб олганларини мутлақо сезмади.

Ҳаш-паш дегунча, манзилга етиб боришди. 17-уй ёнида машинани тўхтатишди. Энг хилват, энг қулай жой шу ер. Нариги томон экинзор. Атроф зимистон.

Бошланди. Рустам ёнидан кўзни ёшлантирувчи баллончани олиб, Родиннинг юзига газ селди. Шунинг кутиб ўтирган Бахтиёр эса ёнидан тўппонча (ҳақиқий эмас, ўйинчоқ эди) чиқариб, унинг чаккасига тиради. Комил Азилгориев ва Комил Гумеровлар ҳам ишга киришдилар. Аввал кассаи, кейин ҳайдовчининг киссасини бўшатиб керак, сўнгра таксини бемалол ўзлариники қилиб олиш мумкин.

Йўқ. Ундай бўлмади. Родин жон ҳолатда бир урган эди, Бахтиёрнинг қўлидаги тўппонча учиб кетди. Кейин у бор овози билан бақриб,

кимнингдир ёрдамидан умидвор бўлди.

Ана шундагина қароқчилар қўлга тушиб қолишларидан кўрқиб, зудлик билан жуфтакни ростлаб қолишди.

Туманимиз ички ишлар бўлимининг баалоғатга етмаганлар билан шуғулланувчи ходими милиция капитани Сайдулла Муродов тадбиркорликка яна бир марта тан бердик. Унинг ташаббускорлиги туфайли дастлаб Гумеров ва Азилгориевлар ҳибсага олинди.

Уларни тергов қилиш жараёнида эса машғум жиноятнинг қолган иштирокчиларининг шахси аниқланиб, Умаров ва Исоқовлар ҳам ИИБга олиб келинди.

«Постда» рўзномасининг аввалги сонларидан бирида мухлислар жиноятга қўл урганларнинг башараларини рўй-рост очиб ташлаш керак, деган таклифни билдиришганди.

Шуни ҳисобга олиб, ҳозирги кунда қилмишига минг бор пушаймон бўлаётганларни бирма-бир таништирмоқчиман.

Бахтиёр Умаров 1964 йилда туғилган, шаҳримизнинг Раҳимбобоев кўчасида истиқомат қилади.

Рустам Исоқов 1968 йилда таваллуд топган. Чилонзор даҳасининг 12-маҳалласида яшайди.

Комил Гумеров ва Комил Азилгориевлар эса тенгдош, 1973 йилда туғилганлар. Ҳар иккови ҳам Чилонзор даҳасида туришди.

Шундай қилиб, аввал такси кассасидаги, ҳайдовчи киссасидаги пулларни олмақчи, кейин эса таксини эгалламоқчи бўлганларнинг қабих ниятлари лутча чиқди.

Бу ёғи судга ҳавола.

Мирфозил МИНМУСАЕВ, Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ИИБ катта терговчиси милиция майори.

МУҲАББАТ ВА ХИЁНАТ

Инсон зоти яралибдики, муҳаббатга сажда қилиб яшайди. Уни ҳаётнинг гултожи деб билади. Бирор одам йўқки, ана шу ширин туйғу оғушида узун кечаларни ёниб ўтказмаган бўлсин. Бирор одам йўқки, севгани васлига қонган маҳалда ўзини етти иқлим подшосидан кўра бахтиёрроқ сезмаган бўлсин. Шу бондан ҳам севги ва садоқат шоирларнинг илҳом манбаи бўлиб келган.

Лекин биллурдай тоза ва нафис муҳаббатингга дарз кетса, ўртадан хиёнат ўсиб чиқсе-чи! Бундан оғирроқ фалокат бўлмаса керак.

Татьяна ва Борислар бир-бирларини севиб қолдилар. Учрашувлар, аҳд-паймонлар бўлиб ўтди. Ниҳоят, 1978 йилда уларнинг муносабатлари никоҳ билан мустақамланди. Орадан кўп ўтмай оилада фарзанд дунёга келди. Ажабмаски, ўшанда улар чақалоқ йиғисидан бир олам завқ туйиб, бир-бирларини қутлаган бўлсалар.

Афсуски, эр-хотиннинг масрурлиги узоқ чўзилмади. Тез-тез ораларидан оламушук ўтадиган бўлиб қолди. 1982 йилда эса қонуний ажралишдилар.

Энди ҳаммаси тугади, деб ўйлашди. Уларни бир-бирларига талпинтирган ҳис ҳақиқий севги эмас, балки анчайин бир ҳавас, ўткинчи туйғу экан, деб муҳокама қилишди.

Аммо никоҳи бекор қилинган эр-хотинлар яна бир эшикдан кириб-чиқиб юравердилар. Энди бир-бирларига тамоман бегона бўлган бўлсаларда, ҳатто ёстиқларини ҳам бошқа қилиб олмадилар. Буни ҳаёлларига ҳам келтирмадилар. Эҳтимол, бу беқарор юракларда сўлиб бораётган муҳаббатнинг сўнгги илтижоларига жавобдир. Ҳар нима бўлганда ҳам улар яна бир фарзанд — қизалоқ кўрдилар.

Бу воқеани ҳам қўни-қўш-

нилар ўзаро муҳокама қилдилар, албатта. Татьяна ва Борислар ёшлик қилиб ажралишган экан, яна қайтадан никоҳланиб олсалар керак, дея тахмин қилишди.

Йўқ, ундай бўлмади. Татьянанинг юриш-туриши, қадам босишлари ўзгариб қолди. Собиқ эри Борис билан орани очиқ қилмай туриб, янги жазман орттирди. У Д. Подольхов эди.


— 1990 йил июнь ойида уларни бирга ётган пайтларида тутиб олдим, — дейди Борис Гонтарь Акмал Икромов тумани халқ суди мажлисида. — Бундай ҳолатда эркак одам ўзини қандай тутиши мумкинлигини ҳар ҳолда тасаввур этсангиз керак. Муштлашув бўлди. У бақувватроқ экан, қайириб, чап қўлимни синдирди. Шу туйфайли ишдан бўшашга мажбур бўлдим.

Ана шу кўнгилсизлик ҳам Борис ва Татьяналарга сабоқ бўлмади. Бири куйиб, бири кулиб, яшашни давом эттириверишди.

1991 йил 3 февраль куни Борис уйига бориб, қизини кўрди. Лекин хотини йўқ эди. Яна кўчага чиқиб кетди.

Кўнгли ниҳоят даражада гаш бўлаверди. Бутун вужуди рашк ўтида қоврилди. Асабийлашган ҳолда роса санғиди.

Соат миллари тунги иккинчи кўрсатган маҳалда қайтмоқчи бўлди. Тасодифни қарангки, 25-уйнинг 48-хонадонини айвонида Татьянани кўриб қолди. Ичидаги газаб хуруж қилди.



Ичкарига кириб, қўнғироқ тугмачасини босди. Эшик очилиб, остонада Д. Подольхов пайдо бўлди.

— Хотиним шу ердами? — сўради аъзойи-баданини қоплаб олган титроқни зўр-базўр босишга ҳаракат қилиб.

Суд ҳайъати масалани ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқач. 1960 йилда туғилган Борис Аркадьевич Гонтарь жиноят мажмуасининг 82-моддасига асосан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Бир қарашда ҳақиқат қарор топгандай. Чунки қотил жазосини олди. Лекин чуқурроқ мулоҳаза юритилса-чи! Уртадаги муҳаббатини обқости қилишга биринчи бўлиб киришган, бир одамнинг ўлимига, иккинчи бир одамнинг қамалишига шароит яратиб берган Татьяна Гонтарь айбдор эмасмиди!

Ҳа, бизнингча, у ҳам айбдор. Лекин бунини тасдиқлашга қонуниларимиз ҳамон ожиз.

Раҳмон АЛИ.

— Йўқ, Татьяна бугун кўрмадим, — деди хонадон соҳиби совуқ ишшайиб.

Борис бу гапга ишонмай ичкарига кирди. Эрининг ташрифидан огоҳ бўлган Татьяна аллақачон яшириниб улгурганди.

— Сен билан эркакчасига гаплашиб олишимиз керак, — деди Борис.

Д. Подольхов эса унга назар-писанд қилмайгина қараб қўйди-ю ошхонага бошлади.

— Майли, юра қол унда. Ошхонага кириб ўтиришгач, иккови бир-бирига сўзсиз тикилиб қолишди. Бир неча муддат ўтгач, сукунатни яна Борис бузди:

— Менга қара, Подольхов, бизнинг икки нафар фарзандимиз бор. Хотинимни ўз ҳолига қўй!

Уй эгаси қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Кейин ишшайган башарасини Борисга яқинлаштириб:

— Бор, ишингни қил, у ким билан бўлишни хоҳласа, ўша билан бўлади, тундундингми? — деди.

— Эркак эмас экансан!

— А, ҳали шунақами! — Подольхов шартта унга ёпишди.

— Оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади, деганлари ногўрғи экан. Аввал чап қўлингни синдирганим, энди ўнг қўлингни синдириб ташлайман!

Борис қараса, аҳвол чақоқ. Стол устида турган пичоқни олдида, рақибига икки марта санчиб олди. Рашк ва қўрқувдан аранг ўзига келди. Бу пайтда уй эгаси узала тушганча полда ётарди.

Шундагина қилиб қўйган ишини ўйлаб кўрди. Ваҳимага тушди.

Ўткинчи машинада Подольховни шифохонага элтишга шошилди. Олиб борди ҳам. Лекин кечиккан эди...

УЧ ФИДОЙИ

Ҳозирги пайтда милиция ҳаётида одат бўлиб қолган яхши анъаналар давом этиб келмоқда. Кўп йиллардан буён Избоскан тумани ички ишлар бўлимида самарали меҳнат қилган Тўланбой Абдуллаев, Нўъмонжон Тожибоев, Тоштемир Усмоновларни нафақага кузатиш маросими ҳам ана шундан далолатдир.

Тўланбой Абдуллаев бир неча йил давомида паспорт бўлимини бошқарди. Ўзининг меҳнатсеварлиги, ғайрати, камтарлиги билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлди.

Нўъмонжон Усмонов эса бир қанча муддат воёга етмаганлар билан ишлаш бўлимига раҳбарлик қилди. милиция майори унвонига эга бўлди. Камтар, камсуқум, аини пайтда қаттиққўл, садоқатли ходимлардан бири сифатида танилди.

Тоштемир Усмонов қалби саховатга, меҳрга тўлиқ инсон. Ундаги олижаноб фазилатлар ҳақида ҳар қанча гапирилсада, оз.

Ҳар учала фидокор халқимиз осойишталигини сақлашда жонбозлик кўрсатиб, кўп йил нуқсонсиз ишладилар.

Нафақага кузатиш маросимида ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Р. Х. Канцеров, кеча сабабчиларнинг дўстлари ва шоғирдлари Неъматжон Усмонов, Мадаминжон Ҳайитов, Назиржон Бўтаевлар сўзга чиқишиб, қизгин қутладилар.

Улар эса ўз навбатида яхши тилаклар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Маросимдан қайтар эканмиз, уч фидойи инсон босиб ўтган йўлга ҳаёлан назар ташладик. Бу йўлларда яхшилик, инсонийлик чечаклари униб чиққанидан мамнун бўлдик. Шубҳасиз, ички ишлар бўлими ходимларига ҳам ана шу инсоний туйғулар ҳамроҳ бўлади, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишади.

Муроджон ТУХТАНАЗАРОВ, Муҳаммаджон АЛИМОВ,

Избоскан тумани «Соҳибкор» ҳафтаномаси ходимлари.

АФСУС ЧЕКМОҚДА

Раҳматулла Жўраев Боёв туманидаги 150-автомобиль корхонасида тузуккина обрўга эга бўлган ҳайдовчилардан эди. Бироқ сўнгги кунларда кўнглига чироқ ёқса ҳам ёришмай қолди. Қилган ишдан қаттиқ пушаймон.

Тумандаги пахта тозалаш заводидан Гулiston шахрига чигит олиб борадиган бўлдию режасини амалга ошириш имконияти туғилгандек туюлди. У ўзи бошқарадиган 76-97 СИО рақамли, КАЗ-608 белгилли автомашинага 11500 килограмм пахта чигитини ортиб, ҳужжатлаштиргач, йўлга чиқди. Лекин узоқ юрмай, машина рулини четга бурди. Шу юрганча мазкур корхонада диспетчер бўлиб ишловчи Фурқат Эгамқуловнинг уйига келгандагина тўхтади. Келишувга биноан машинадан 2800 килограмм пахта чигитини Эгамқулов ҳовлисига тўқди. Энди кетишга таянганда турганда эса қўлга тушди. Халқ мулкни соғуриб, кимларнидир ҳожатини чиқариб юрган Жўраев энди афсус чекмоқда.

С. СУЛАЙМОНОВ.

ЁТОҚХОНАДАГИ ЎЛИМ

Ўтган йилнинг 3 октябрь куни Жарқўрғон кўчасидаги синтетик кир ювиш воситалари заводи ётоқхонасида мурда топилди. Биров танигандай бўлди, биров бошини қашиди.

Ҳамза тумани ИИБ ходимлари бу ишга аралашгандан сўнггина жабрланувчининг шахси аниқланди. У Сирғали туманилик 45 ёшли Виктор Землянский бўлиб чиқди.

Изақуварлар олдида унинг қотилини топиш муаммоси турар эди. Дастлабки сўроқлар, ётоқхонада яшайдиган ишчилар билан суҳбатлар ишни бир мунча ойдинлаштиргандай бўлди.

Кимдир марҳум бир пайтлар шу ерда сантехник бўлиб ишловчи Галимжон Чаймуллин билан онда-сонда улфатчилик қилиб турганини айтди. У эса сувга тушган тошдек гойиб бўлган эди.

Кунлар бир-бирини қувиб ўтаверди. Ниҳоят оператив маълумот олингандан сўнг Ҳамза тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими маси катта оператив вакили милиция катта лейтенанти Озоджон Худойқулов Тошкент қўналгаси ресторанида ҳужжатсиз сантехник бўлиб ишлаётган Галимжон Чаймуллинни шу йил 3 август куни ушлаб келди.

— Энди енгилроқ нафас олса ҳам бўлади, — деди терговчи милиция катта лейтенанти Шуҳрат Шодиметов у билан савол-жавобдан сўнг. Мен Галимжон билан суҳбатлашаман.

Унинг айтишича, сантехниклар хонасига 1990 йил 1 октябрь куни Виктор кириб келган. Дабдурустдан сантехника ташлашиб, бўға бошлаган. Галимжон жонҳолатда энгашиб, столдаги ошпичоққа қўл чўзган ва унинг қорнига тиқиб олган. Викторнинг ўлганига ишонгандан сўнг эрталабга яқин жасадни ювинадиган хонага олиб бориб ташлаган. Пичоқни эса ахлат уюмига отиб юборган.

— Мен, — дейди Чаймуллин сўзида давом этиб, — қўлларим ва кийимимдаги қон доғларини қўвдимида, «02» га хабар бердим. Дастлаб ўзим бормоқчи ҳам бўлдим. Кейин 23 сентябрда Жарқўрғон кўчасидаги 20-ётоқхона олдида бировни сўйиб кетишганини эслаб, уни ҳам менга тиркашади деб ўйладимида, фикримдан воз кечдим. Милицияхонага оё-

гим тортмади. Нима бўлганда ҳам инсон ҳаётдан кўз юмди. Энди гу-

ноҳкор суд олдида жавоб бериши аниқ.

ҲАБИБ ШУКУР.



Суратда: Галимжон Чаймуллин. Муаллиф олган сурат.

Табиат кимни ва нимани яратишни жуда яхши билди. Унга шукур қилмай тахрир қилсалар, шак-шубҳасиз кўз чиқаришади. Бугунги ўзбек аёли ҳам инқилоб тахрир қилган хатонинг сувратидир.

Худойим шарқ аёлини сийлаб, юзига парда ташлашни буюрган. Парда — бу сирлар оламининг чегараси. Бу чегарани ҳар ким ўз хоҳишича буза олмайди. Бу олам пинҳонлиги билан азиз бўлган, мукаррам бўлган, қадри бўлган. Шунинг учун бу оламининг ўтмиш шоирларимиз ғазалларидаги таърифи ҳам яланғоч эмас. Энг ажабланарлиси ҳамда кўнгилларга шуъла сочувчи томони шундаки, АЁЛ фақат меҳр-муҳаббат, ниққа боғланиб, ўралиб киради шеър-га. Ошиқ ундан ёлғиз меҳр-ниққ сўрайди, аёл бу туйғуларини дариг тутганда ҳам, маъшуқ уни ҳақоратламайди, шу ниққ учун, шу азоб учун озор чекаётганлигига барибир шукур қилаверади, шукур қилаверади тунлари ёниб. Шукур қилаверади, унга ғазаллар битиб. Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб, туркий, форсийда ижод этган барча шарқ шоирларини ўқисангиз, шундай ҳолатни кузатасиз. Бу — шарқона лоф эмас. Аёл ҳақиқатан азизу мукаррам бўлган. Тўғри, яхшилик ва ёмонлик аро, рости ёлғон аро умр кечираётган бу телба дунёнинг азалии ва абадий қайгулари бор. Увайсий ёлғондан: «Фалак барини қон айламакни маиндин ўрганди...» — деб ёзмаган. Бироқ, менимча бирор аёл паранжисини юзидан олиб ташлаб, оловда куйдириш қайғусини чекмаган бўлса керак. Қайғусини чекмаган бўлса керак эркаклар билан билан баб-баравар

МЕҲРИБОНИМ, ҚАЙДАСАН?

қадам ташлашни, ташвишларини нозик елкаларига ортмоқчилашни. Паранжини олиб ташлаш инқилобга керак бўлган, шак-шубҳасиз. Вақт ўтди. Энди аёлларга аталган шеърлар ҳам яланғоч ҳолга тушди, сир, муъжизаси йўқолди. Уларнинг зоҳирий ва ботиний олами эмас, ишчан кўллари, ҳукуматга берган ваъдаси устидан чиқишлари шеър қилинди.

Огаҳийнинг:
«Агар кўрса сани саҳрода оҳу,
Йўлингга кипригин айлар
супургу...» —
деган сатрлари қаерда-ю, Ғафур Ғулломнинг:

«Кунларини соатлар забтига олиб,
Ҳатто, таразивон эрнин шоширдиг.
Қумурсқа ёпишган қандай муталиб,
Хирмонлар қадрини кўкдан
оширдиг», —
деган даъватлари қайда?

Аёл уйга ярашади, хонадонга ярашади. У бир эркакнинг бекаси, бир уйнинг чирогини, бир неча қоракўзнинг онаси-меҳрибони бўлиши учун келган оламга. Аниқроғи, тангри уларини шундай яратган. Унинг аёлга бу бебаҳо инъомидир. Унинг эркак қовуғасидан бино бўлган аёлга юксай савоатида. Аммо... Аммо инқилоб унинг қисматини тахрир қилди, хато қилди. Бу хатони, ана, юқоридаги шеърлар ҳам айтиб турибди. Огаҳийнинг маҳбубаси олдида Ғафур Ғулломнинг теримчи қизи — «Муножот» куйи қаршиенда писта сотаётган,

писта чақайтган семиз баққолга ўхшайди. Нақадар ўзгарди аёл, нақадар ўзгартирдилар уни, гарчанд ўзи ис-тамаса ҳам. Ҳар қандай табиийликнинг бузилиши зарарли, аввало унинг ўзинга зарарли. Буни бугунга келиб кўриб турибмиз. Бу зарарнинг қарши-сида турганимизда, унинг нақадар дахшатли фожиа эканлигини сезяп-миз, кўряпмиз.

«Хужум» бошлаб берган бу янги-лиш иш — Туркистонда турли мил-латларнинг қалаштириб ташлангани билан тобора юқорига ўрлайверди. Аёлларнинг юзи, сўнг руҳи бебарда қолди. Шамоллар, изгиринлар кирди бу руҳга. Бу руҳга кирди бўронлар. Бўронлар қорайтирди бу руҳни... Нозик руҳга шафқат қиладиган, балолардан авайловчи, раҳм қилувчи асрагувчи топилмади. Ва аста-секин-лик билан улар ёна бошлашди чир-силлаб. Гулханга айланди руҳлар дунёси. Паранжилар гулхани каби. Қайтага эркаклар қарсақ уриб турди олқишлаб бу дунё қўрғонидан гиштлар кўчганда.

Шунинг учун болаларнинг маънавий олами йўқ (қашшоқ ҳам эмас). Шунинг учун эркаклар муҳаббатининг умри қисқа, шунинг учун болалар кўча-кўйда қаровсиз қолмоқда, шунинг учун тилга олсанг, дунё ёниб адо бўладигандек ишлар бўлмоқда. Олдидаги аёллар ўз-ўзини ёқи-шаётган эди, бугун болаларини, Худойим-ей, эртага нималар ёнаркин?!

Яна қандай фожиа керак экан бу куйюк оламга?!

Ҳамон улар эртадан кечгача давлат корхонасида, шомдан ярим тунгача уйда ишлашади. Уларнинг юкнини енгиллаштириш ҳақида айтилатган фикрлар олдида қилинаётган ишлар — тоғ олдида тошчалик.

Эҳтимол, оёғи осмондан келиб қолган бу тузумнинг бундан ўзга чораси йўқдир... Лекин аёлларнинг ўзи ҳам жуда уйга киргилари йўқ. Чунки у, юқориде айтилгандай, табиийликдан жуда узоқлашган. Унинг юрагига эрнинг инжиқликлари, болаларининг хархашалари, рўзгордаги камчиликлари кўпам сиғавермайди. У: «Ишда бироз дам оламан, ишга борсам, ўзимга қарайман, тагин маошим...» — деб ўйлайди. Майли, у ўйлаб турсин. Аммо барибир, қачонлардир аёлини уйга қайтариш шарт. Шунда йўқолиш арафасида турган бебаҳо нарсаларини буткул йўқолиб кетишдан сақлаймиз.

...Дунё фақат ҳасратга тўла эмас. Унинг ёруғ нуқталари, ёруғ манзиллари, ёруғ кунлари бор. Ҳамон меҳр-муҳаббатини шоҳ билган эркаклар ва бу шоҳнинг бахтиёр маликалари бор...

Аёлини уйга қайтаришдан олдин ўзинга қайтариш керак, шунда у ўзи уйга киради. Бунга эришиш учун эса анча вақт, кураш лозим. Бунинг учун МЕҲР, БУЮК МЕҲР зарур, МУҲАББАТ зарур!

«Меҳрибоним, қайдасан...» — дей-миз энди Машрабининг тили билан.

«Лаббай», — дегувчи бормикин? Топилармикин?!
Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

2. Уловдан имтиёзли фойдаланиш ҳамда бепул енгил автомашина олиш ҳақида.

1983 йил 17 январдаги қарор асосида йилга бир марта темир йўл уловидан (бориб-келиш) 50 фонд арзон нархда фойдаланишга ҳаққингиз бор. Темир йўл улови бўлмаган шаҳар, туманларда сув, ҳаво ва шаҳарлараро уловдан фойдаланишга тўла ҳаққисиз.

1-ва II-гурӯх ногиронлари эса бепул юришлари мумкин.

Ҳукуматимизнинг 1984 йил 26 июлда қабул қилган қарорига асосан ногиронларга тиббиёт кўрсатмаларига амал қилган ҳолда

бепул «Запорожец» автомабини (кўл билан бошқариладиган) берилади. Автомашина 7 йиллик муддатга ажратилади. Бироқ уни сотиш ёки бошқа одамга бериш мумкин эмас. Шу муддат ўтгач, улар яна янги улов олишга ҳаққи. Агар ногироннинг ўзи машинани бошқара олмаса, бирга яшайдиган оила аъзоларидан бири бошқариши мумкин. Бунга ҳам имкони бўлмаса, 5 йил муддатга бепул мотоарава олишга ҳаққи бор.

1989 йил 21 декабрь қарори бўйича шаҳар уловининг барча турида (такси мустасно) ҳамда қишлоқ жойларда жамоат уловидан бепул фойдаланадилар.

3. Боғдорчилик бирлашмаларига (ширкатларига) қабул қилинишдаги имтиёзлар.

1983 йил 17 январь қарори билан Афғонистонда чекланган совет кўшинлари сафида хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар

нинг боғдорчилик уюшмаларига (ширкатларига) қабул қилинишларида имтиёзлар берилган.

Унга аъзо бўлишни хоҳловчилар ариза билан иш жойларига ёки туман ижроқўмининг махсус бўлимига мурожаат қилишлари лозим.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!



Ўзбекистон жумҳурияти ИИБ жиноят қидирув бошқармаси томонидан Тошкент вилоятининг Оржоникидзе туманида яшовчи 67 ёшли фуқаро Ашроп Акбаров қидирилмоқда.

Шу йилнинг май ойида уйдан чиқиб кетган, сўзлашув нутқи ёмон. Кимлиги ва қаерда яшавини тушунтиролмайд.

Эгинда кўк дўппи, махсус ишчи кийим, каттак кўйлак, қора рангли этик бор эди. Қариндошларининг маълум қилишича, у одамларнинг уйида ҳар хил юмушларни бажариб юриши мумкин.

Ашроп Акбаровнинг қаерда эканлигини билган, кўрган ёки у ҳақда бирон-бир маълумотга эга шахслардан ўзларига яқин миллия бўлимларига хабар қилишларини сўраймиз.

«Постда»

- СЎЗ

ИСТАГАН

РЎЗНОМА!

Агар —

- ҳуқуқий маслаҳатга муҳтожлик сезсангиз,
- янги қонун шарҳлари билан танишмоқчи бўлсангиз,
- қизиқарли тақдир эгалари билан учрашмоқчи бўлсангиз,
- қатағон йиллари қурбонлари ҳақида билмоқчи бўлсангиз,
- жиноятчилик билан кураш аҳволидан хабардор бўлишни истасангиз,
- ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фикр-мулоҳазаларингиз эшитилишини хоҳласангиз,
- адолатсизликдан нажот истасангиз,
- сира адашмасдан «Постда»га обуна бўлинг.
- У бу йил нархи ошмаган ягона рўзномадир.
- Обуна баҳоси — бир йилга 15 сўм 60 тийин, ярим йилга 7 сўм 80 тийин, уч ойга 3 сўм 90 тийин.
- Обуна рақами (индекси) — 64615.
- Келгуси йили рўзноманинг сотувдаги нархи ошиши мумкин. Обуна нархи эса ўзгармайди.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизини Байроқ орденли босмаханаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўрибосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республликы Узбекистан 26939 нусхада чоп этилди.